



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1998 йил 22 апрель, чоршанба

№ 31 (11.014)

Эркин нарҳда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исроил Каримов 20 апрель куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Польша ташқи ишлар вазирини Бронислав Геремекни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу таширфни Ўзбекистон билан ЕХТ ўртасида тобора ривожланиб бораётган муносабатларнинг яна бир инъикоси, деб айтди.

— Ташкилотнинг Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиёга қизиқиши тобора ортиб бормоқда, — деди Исроил Каримов. — Бу факатгина минтақанинг табиий захираларга бойлигидан

эмас, албатта. Марказий Осиёда кўп давлатларнинг манфаатлари туташади. Шу маънода мазкур минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Президент Ўзбекистон 1992 йилдан буён ЕХТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини, ушбу аъзолик талаб этган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олганини ҳамда уларни бажаришини айтди.

ЕХТ раиси қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди, айтишга ўзи раҳбарлик қилиб турган ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар мустақамлашиб бораётганидан мамнуният из-

хор этди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига қулай фолларнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят шахар ва туманлари ҳокимлари, вилоят ички ишлар бошқармаси, прокуратура раҳбар ходимлари, вилоят шахар ва туманлари ички ишлар бўлими ҳамда уларнинг паспорт хизмати бўлиналари бошқилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Эркин Рўзиёв бошқарди.

Йиғилишда Президентимизнинг республикада паспорт тизимини жорий этиш, Ўзбекистон фуқароси паспортини амалга киритиш тўғрисидаги фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу муносабат билан қабул қилган қарорлари, Ўзбекистон Республикасида

паспорт тизими тўғрисидаги Низомнинг ижросини таъминлаш юзасидан Президент девони комиссияси вилоятда ўтказган текширув якуни ҳақида Президент девонининг масъул ходими, комиссия раҳбари Олимжон Оқиллов ахборот берди.

— Вилоятда ўз макеи хижатидан Ўзбекистон байроғи, герби каби муҳим рамзий тимсоллар каторида турувчи мустақил республикамиз паспортини фуқароларга топшириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилган, — деди у. — вилот ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, бир қатор шахар ва туман ҳокимликлари бу борада ўз режаларига эгалар.

Фармон ва қарорларни бажаришда Ангрен, Чирчиқ шахарлари, Қибрай, Бўстонлик туманлари анча изчиллик кўрсатишмоқда. Хусусан, Ангрен ва Чирчиқ шахарларида, шунингдек Бўстонлик туманида аҳолига паспорт хизмати кўрсатиш компьютерлаштирилди. Бу ҳудудларда паспортларни топшириш тантанали равишда ўтмоқда.

Шу билан бирга нотик вилоятнинг аксарият шахар ва туманларида юқоридики Фармон ва қарорлар ижросига лояқидлик билан муносабатда бўлинаётганлигини ҳам ачинаш билан таъкидлади. Айниқса, Ўртачирчиқ, Зангиота, Янгийул туманларида паспорт бўлиналари суфт фаолият кўрсатмоқда. Давлат аҳамиятига молик бу муҳим вазифага мазкур туманлар ҳокимлари, ички ишлар бўлимланининг бошқилари етарли эътибор бермаганликлари туфайли, паспорт топшириш маросимлари паст савияда ўтмоқда.

## Дехқон баҳори



## Вилоят

## ҳўжаликларида чигит экиш тугалланди

Вилоят кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасидан тахририятимизга хушхабар келди: вилоят ҳўжаликларида 108 минг гектар майдонга чигит экиш тугалланди. Барча туманларда экиш ишлари намунали ташкил этилганлиги, ишчи кучлари ва техника воситаларидан самарали фойдаланилганлиги сабабли бу иш гоят қисқа вақт ичида бажарилди. Ҳўжаликларда шу кунгача 27268 гектар ерда ниҳоллар тўла униб чиқди. Чиноз, Бўка, Пскент туманлари ҳўжаликларида айти пайтда далаларга чигит суви беришга киришилди. Ҳўжаликларда шу билан бирга 1290 та чопиқ тракторларига культиваторлар тиркалаётди. Яқин кунлар ичида ўза қатор ораларига дастлабки ишлов бериш ҳам бошлаб юборилади.

Раҳим ҚОДИРОВ.

Ҳосилнинг салмоғи ва сифати танланиб, саралаб экилган уруққа боғлиқ. Бекобод туманидаги "Далварзин" уруғчиликка ихтисослашган ширкатлар бирлашмаси жамоаси деҳқонлари бу соҳадаги масъулиятни чукўр хис қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Шу туфайли ҳам катта майдонлардаги чигит ерининг табиий намига ундириб олинди, култивация қилиш бошлан-

ди. (Юқоридан) Айти кунларда кейинроқ уруғ қадалган майдонларга чигит суви берилмоқда. Сувчи Ақром Каримов, ҳўжалик касбаба уюшмаси раиси Муриддин Болтабоев ва бригада раҳбари Мардулла Ҳасановлар бу ишни маромида ўтказиш ҳақида маслаҳатлашмоқдалар (пастда).

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.



Жорий йилда 29 минг тонна галла, 39 минг тонна пахта етиштиришга аҳд қилган оққўргонликлар оилавий пудратни тобора кенгрок жорий этмоқда.

## ОИЛА ПУДРАТИ:

## ДАРОМАД ВА КАФОЛАТ

— Оила пудрати самарали эканига тажрибаимизда ишонч ҳосил қилганмиз, — дейди Й. Оқунбобоев номидаги деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси Раҳимжон Ҳакимжонов. — Бултур шу усулда меҳнат қилган деҳқон оилалари 35-40 минг сўмдан кўшимча даромад олди. Бу йил мазкур кўрсаткични ўртача 60 минг сўмга етказмоқчимиз.

Ҳўжалиқда бу йил 57 оила галлачилик, 571 оила эса пахта етиштириш билан шуғулланмоқда. Ҳўжалиқда томонларнинг мажбуриятлари анёқ белгилаб қўйилган. Масалан, уч ярим гектар галлазорни ҳозиргача икки марта озиклантириб, бир марта сугориб улгурган Эркин Қаршибоев оиласи гектарига ўртача 45 центнердан ҳосил қилиши, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга масъул. Чунки пировад на-

маси оила ихтиёрида қолади. Пахтачиликда ҳам шундай. Оила пудратни етакчиси Муҳиддин Жабборовнинг айтишичи, улар икки гектар майдондан ўртача 26,5 центнердан пахта ҳосили кўтаришга аҳд қилган. Ҳўжалик зарур миқдорда ўғит, техника билан таъминлайди. Пудратчилар пайкалларда тўлиқ кўчати ҳосил қилиши, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга масъул. Чунки пировад на-

тижадан манфаатдор: режадаги тала қийматининг 40, режадан ортиқчасининг 50 фоизи ўзларига қолади. Узаро шартномаларда деҳқон манфаатига эътибор берилмоқда. Бу яхши албатта. Аммо улар меҳнатига яраша тўлиқ ҳақ оладими? Бунга қандай кафолат бор? Туманда масаланинг ана ша хижатига эътибор кучайтирилаётганини дикқатга сазовор. Хусусан, тайёрловчи ташкилотлар билан тузилган контрактация шартномалари талабларига мувофиқ ҳўжаликлар "Ўздонмахсулот" давлат акционерлик корпорацияси ва "Ўзпахтасаноатсотиш" уюшмаси томонидан мақсадли аванс маблағлари билан таъминланаётди. Шу йилнинг ўзида туман ҳўжаликларида галла ва пахта етиштириш учун 131 миллион 600 минг сўм маблағ тарқатилди. Жумладан, минерал ўғит сотиб олиш учун

Бироқ махсулот етиштирувчи ва тайёрловчи ташкилотлари ўртасидаги мавжуд муаммолар ҳали тўла ҳал этилганча йўқ. Хусусан, ўзаро ҳисоб-китоб ишларининг ўз вақтида амалга оширилмаслиги деҳқон ишончига путур етказмоқда. Й. Оқунбобоев номидаги деҳқон-фермер ҳўжалиги жорий йилда 1507 тонна пахта, 600 тонна дон етказиб бериш бўйича Оққўргон пахта тозалаш заводи ва Чирчиқ донни қайта ишлаш комбинати билан шартнома имзолаган. Аммо унда тайёрловчи ташкилоти манфаатларига кўпроқ эътибор берилган бўлиб, деҳқон етказиб берадиган махсулот нархи, мақсадли аванс маблағлари миқдори ва ўзаро ҳисоб-китоблар муддати аниқ кўрсатилмаган.

— Очиғини айтиш керак, биз шартномаларда ҳуқуқларимизни тўла акс эттирилмади, — дейди Р. Ҳакимжонов. — Махсулот нарҳини, аванс олиш муддатлари ва миқдорини кўрсатишни талаб қилганимизда турли баҳоналарни рўқча қилишди. Кўриниб турибдики, ҳўжалик раҳбари хоҳламанса-да, шартномага имзо чекиб, масъулиятсизликка йўл қўйган. Ана шу сабаб ҳўжалик пахта тозалаш заводидан бултурги махсулоти учун тўққиз миллион сўмини ундиролмай сарсон. Натижада йил бўйи ишлаган деҳқонга меҳнатига яраша ҳақ беришининг ҳар доим ҳам илоҳи бўлмаётди.

Туманда жорий этилаётган янги ҳақ усули ўз самарасини бериши, деҳқон даромадини кўпайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Фақат олинмаган даромадга кафолатни ҳам тўла таъминлаш, деҳқон ишончини мустаҳкамлашга ҳам ўрганиш керак.

Неъмат ДУШАЕВ,  
Ўза муҳбири.

## ЭКОЛОГИЯ СОФЛИГИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Халқро "Экосан" жамғармасида бутунжамоа эр кунини муносабати билан "Маданият, экология ва инсон" мавзусида халқро учрашув ўтказилди.

Унда "Экосан" Тошкент клуби аъзолари, эколог олимлар, академиклар, таълим фаолилари ва ширлар, маданият арбоблари, хорижий давлатлар, халқро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Учрашувни халқро "Экосан" жамғармаси президенти Ю. Шодиметов очди.

Йиғилишда таъкидланганидек, атроф муҳит мусофлиги инсон саломатлигининг муҳим омилларидан биридир. Мамлакатимизда бу борада жуда катта ишлар амалга оширилаётди. Шунга қарамай ҳамма жойда ҳам бу масалага жиддий эътибор берилмаётди. Бу эса ўз навбатида ер, ҳаво, сув, ўрмон экологиясининг бузилишига, баъзи оқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

"Ҳақон адабиёти" журнали бош муҳаррири О. Шарофидинов, республика "Бошгидромет" и бошлигининг ўринбосари А. Овчинников, Ўзбекистон Давлат боз сани тарбия вазирини Б. Ниёзметов, Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчи сир Пирмухамедов ва бошқалар сўзга чиқиб, инсон саломатлиги йўлида экология софлигини таъминлаш умумхалқ иши эканлигини ва барча соҳа вакиллари бу борада биргаллашиб ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидладилар.

(Ўза).

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

## ИҚТИДОРЛАР ПСКЕНТДА

ВИЛОЯТИМИЗ ИҚТИДОРЛИ БОЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. Пскентда уюштирилган бу йиғинда вилоятдаги барча шахарлар ва туманлардан келган ёш раҳбарлар, қашта тикувчилар, ҳайкалтарошлар, ёғоч ва ганч бадий уймақорлиги билан шуғулланувчи болалар, ёш шoirлар ва бошқалар қатнашдилар.

Тасвирий санъат бўйича танлово гойиб бўлган Зангиота туманидаги 14-мактабнинг ўзининг синф ўқувчиси Умид Бўсоқов бу ҳунарни анча пухта ўзлаштираётганлигини намойиш этди. Паркентдаги лицейнинг ўн биринчи синф талабаси Санжар Тоғаевнинг ёғоч уймақорлиги асосида яратган асарлари ҳам юқори баҳоланди. У шу тур бўйича биринчи ўринни эгаллади. Ангрендаги 41-мактаб

ўқувчиси Феруза Қаршиеванинг қашталари ҳам юқори ўринни олди. Зангиота туманидаги 28-мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчиси Азиз Ортиққўжаев ҳайкалтарошлиқда енгиб чиқди. Ангрендаги лицей талабаси Дилшод Фозиев ёш шoirлар беллашувидан биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғойиблар фахрий ёрликлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Собир МАҲМУДОВ.

## ЁТОҚ ХОНАЛАРДА... МУДИРЛАР

ТОШКЕНТ Давлат аграр университети ректорати талабалар турмуш тарзига яна бир янгилик киритди.

Дорилфунуннинг ётоқхоналарида комедантлар ўрнига тажрибали ўқитувчилар, доцентлардан иборат мудирлар тайинланди. Бу тадбир мазкур бинолар озодаллигини сақлаш, ҳудудларни ободонлаштиришдаги масъулиятни ошириш, тарбиявий ишларни талаб даражасига кўтарди, маънавият билан боғ-

лиқ йиғинларни изчил ўтказиб бориш имконини яратди.

Айти пайтда янгилик туфайли мудирлар моддий манфаатдорлиги ҳам ортди. Ана шу лавозимга тайинланган ўқитувчилар ҳар ойда кафедрадаги ойлликларига тенг миқдорда маош билан таъминланадиган бўлдилар.

Санд ВАЛИЕВ.

## ТУМАНДА АНЖУМАН

Тошкент туманида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Аёл, оила ва ҳуқуқ" мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча қорхона ва ташкилотлар, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуман қатнашчилари аёллар меҳнатига қилиш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий билимини ошириш каби мавзуларда маъруза-

лар тинглаш билан бирга оила Кодекси лойиҳасини муҳокама қилди. Шу юзасидан бир қатор тақлифлар, мулоҳазалар билдирилди.

Зулхумор ЖўРАЕВА.

## ХУДУДИЙ ПОЛИКЛИНИКА ИШГА ТУШДИ

БУ ЙИЛГИ Наврўз Гул кишлоғи аҳолиси учун яна бир қувонч олиб келди. Утган йили худуди шу кезларда қишлоққа табиий газ келтирилиб, хонадонларда "зангори олов" порлаган бўлса, бу йил қишлоқнинг қоқ марказида 3 мингдан зиёд аҳолига табиий газ таъминоти кўрсата оладиган худудий поликлиника ишга тушди.

Гул қаноп заводи қошида қачонлардир қурилиб, кейинги пайтларда хувилаб ётган икки қаватли болалар боччаси биноси қайта таъмирланиб, зарур табиий ускуналар билан жиҳозланди.

20 нафарга яқин тур-

ли тоифадаги табиий ходимлар, ҳамширалар ва бошқа хизматчилар бугунги кунда туманининг "Ужакент", "Юлдуз", "Дўстлик" жамоа ҳўжаликлари аҳолисига намунали хизмат кўрсатишяпти.

Санджон ПИРМУСТАФОВ.











ЯНГИ КИТОБЛАР

“ПАРКЕНТ НАВОЛАРИ”

ЁШИ саксонларни қоралаб қолган кекса шоир Ҳасан Мадёр асли наманганлик. Умр бўйи ўқитувчилик касбини ардоқлаб келган. Тақдир тақозиси билан у руш йилларида Паркент туманида ҳам меҳнат қилган эди.

“Шу йиллари Паркентнинг ўша мактови кетган табиати, ширинликда жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатига учрамайдиган тилни ёрар хилма-хил узумларию мевалари, пурвигор тоғларидек мағрур ва содда, гўзал қалбли одамлари юрагимга ўрнашиб қолган эди. Орадан эллик йил ўтиб Паркентни, унинг гўзал табиати, ажойиб одамларини кўмсаб қолдим. Паркентга келиб, дўстларимни топдим, мириқиб сўхбатлашдим. Паркент янада гўзаллашибди. Уйчиға (Уйчи тумани) қайтдим, қўлимга қалам олиб “Паркентнома” шеърлар туркумини яратиб киришдим”, деб ёзади шоир Ҳасан Мадёр.

Кекса шоирнинг Паркентдан олган таассуротлари ҳайрат ва қувончлари “Паркент наволари” деб номланган китобчага жўлган шеърларда одамийлик, эзгулик улуғланади. Паркент, Заркент, Бошқизилсой, Сўқок, Қумушқон, Номданак каби қишлоқлари алоҳида шеърларда мадҳ этилади. Улар ўқувчида илқ таассурот қолдиради. Китоб Тошкентдаги “Чўлпон” нашриётида чоп этилган.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Шеърят ИАТИЖО

Онажон! Энди ҳеч кўнглингни бузма, Ҳўнглини мутмасил севиб, соғиндинг... Тақдирнинг қўлида йигитнинг изми — Кимларга ёлбориб, кимга сиғиндинг?! Соғиниб яшагим келади мен ҳам, Сиғиниб яшагим келади мен ҳам!...

Кўп олис тунларни тоғларга улаб, Мени кучоғингда этсанг тасаввур, Елғиз Шавкатингга омадлар тила — Кўнглида гул очиб, портаган гурур! Ҳамқўёшу шоҳим — ўзингсан, Она, Фурурим, паноҳим — ўзингсан, Она!

Фараҳли тоғларнинг баридан тутиб, Умид шудгорига уруғ сочардим. Шу бахтли кунларнинг келишин кутиб — Қизим Шаҳнозанинг сочи оқари. Оқ рангда кўраман бугун оламни Соф ранга бўягим келар боламни!

Соғинчлар гулхани ловуллаб, ногоҳ, Кимгадир очмасам зада кўнглимни, Ҳўзгалар сингари урломасам “Оҳ” — Онажон, кечиргил ношуд ўғлингил! Бўзлагим келади энди Онажон, Сизлагим келади сени, Онажон!

Шавкат ТУРОБ.

Телепортация ҳодисалари борлигини яқинда билдим. У нимани билдиради? Шу ҳақда қисқача тушунча берсангиз.

Исмоил АХМЕДОВ, Зухриддин НУРИДДИНОВ, Ангрэн шаҳри.

ПАСХИ ороли номи билан кўпгина сирли ва жумбоқли воқеалар боғлиқ. Олимлар бу ерда яшаётган халқ қаёқдан келганлигини, уларнинг қитъа билан алоқаларини изоҳлашни, шунингдек, бу ерда топилган катта тош ҳайкалларнинг ибтидосини билишни истайдилар. Бироқ, яна битта жумбоқ борки, уни ҳозирча ҳеч ким тушунтириб бераёлмапти.

ЮПИ агентлиги 1988 йилда инсон ақли бовар қилмайдиган кашфиёт ҳақида хабар тарқатди. Австралиялик профессор Р. Майерс ўз ёрдамчилари У. Роудс ва Ю. Лонгвелл билан унча катта бўлмаган ботқоқликни кавлаётганида отда ўтирган ўрта аср чавандози қолдиқларига дуч келди. Торф хусусияти туфайли чавандоз ва от яқини сақланган эди. Кийимларига қараганда, отлик аскар Ливан ордени (XIII—XIV асрлар) аъзоси бўлган, унинг ҳамёнида аса 1326 йилда зарб этилган учта олтин танга бор эди.

Олимларнинг боши қотиб қолди. Улар Ливан ордени аъзосининг Пасха оролида пайдо бўлишини тушунтирувчи ҳеч қандай сабабини тополмадилар. Худди шундай воқеа ўзга қишлоқ билан — инсоннинг қандайдир номаълум куч таъсирида ўзи дастлаб турган жойидан минглаб километр узоқликда пайдо бўлиши билан боғлиқ бошқа ҳодисалар ҳам содир бўлган. Улар, ҳатто,

Сўраган эдингиз СИРЛИ РҲҲИЙ-ЭСИСМОНИЙ КҲҲМИ?

ҳужжатлаштирилган. Бу ҳужжатлар шундай ҳодисалар ҳақиқатдан бўлганлигига далил бўлади ва унга ишонмаслик мумкин эмас.

Эрамининг 1-асрида император Домициан файласуф Апполинарий устидан суд уюштирган. Апполинарий суд вақтида шу ерда бўлганлар кўз олдига тўсатдан 6400 километр узоқликда эди. Улар йўлда куюқ туманга тушиб қолиб, эс-ҳушларини йўқотганликлар ҳақида гапириб бердилар. Орадан икки соат ўтгач, хушларига келганлар. Уларнинг машиналари бамисоли кавшарлаш лампаси билан куйдирилгандай эди. У нотаниш йўлда, боз устига бошқа мамлакатда турарди.

Нью-Йоркда машҳур экстрасенс Юрий Геллер билан ҳам шундай ҳодиса рўй берган. У 1973 йилнинг ноябрида ўзидан 30 километр узоқда яшовчи дўстиникига меҳмон бўриш учун кийимини алмаштириш мақсадида уйига шуши кетаётган эди. Тўсатдан олдинга эмас, балки, орқага қараб чолиб кетаётганлигини билиб қолди, у ҳавога кўтарилиб, ўз дўсти уйи дарвозасига учиб қиради, бундан чивиндан сақланиш учун тузилган дарпардани ёриб ўтади ва стол устидаги қалин ойнани синдириб қўради. Юрий ўз уйига чолиб кетган пайтдан бошлаб, ойна синик-

лари ерга тушган пайтгача 10 дақиқа ўтган эди. Фанда шундай ҳодисаларни — фазовий кенгликда кўчиб юришни телепортация дейлади. Мавжуд телепортация ҳодисаларини таҳлил қилиш қизиқарли қонунятни келтириб чиқаради. Уни ўзида синаб кўрган ҳамма кишилар жуда қучли асабий зўриқиш остида бўлганлар. Апполинарий устидан унинг учун ўлим суди борарди. Евстратий ва Никол ўлим таҳидидидаги асирликда бўлганлар. Эр-хотин Видаллар туманга тушиб қолишган ва ҳалокат бўлишидан қаттиқ қўрқибди. Шунинг учун куйидагича тахмин қилиш мумкин: эҳтимол бу ерда қандайдир рўхуий-жисмоний ҳодисалар, тананинг ўзига хос ҳимоя кучи — ҳалок бўлиш эҳтимоли бор жойдан бошқа жойга кўчиб ўтиш билан боғлиқ бўлишга интилиш истаги голиблик қилган бўлиши мумкин.

Бу кузатувларни солиштириб, шундай тахмин қилиш мумкинки, балким, Ливан ордени рицари 1326 йилдан кейин қаердадир унга ўлим ҳавфини солган кучли рўхуий зарбага дучор бўлганлар. У қурол-аслаҳалари билан жанговар отда ўтирган ҳолатда топилганини эслайлик. Чавандознинг қурол-аслаҳалари оғир эди, улар жанг, тўқнашув ёки бошқа ҳавфли вазият олдидан қийилар эди. Эҳтимол: ўлим ҳавфиндан ҳимояланиш кучи боис у ҳавфли жойдан қийил бўлган. Бироқ, у жанг бўлаётган жойдан ўнларча минг километр узоқликдаги Пасха оролидаги ботқоқликка бориб тушган ва чўкиб кетган бўлиши мумкин. Инсон от билан бирга бошқа жойга шундай кўсга унинг рўхуий-жисмоний таъсири билан қанчалик қўриқиб бўлиши керак?!

Бу гуноҳларнинг нақадар ҳақиқий эканлигини келажак кўрсатади.



ХАВОТИРГА ҲОЖАТ ЙҲҲ...

қалбини бироз хавотирлик эгаллади. Чунки, майдонга Олег Шацких, Фарид Хабибуллин, Павел Кайгородов каби етакчи ўйинчилар тушмаганди.

Учрашув бошланиб, меҳмонларнинг палла-партиш тўп тепишлари ишқибозлар кўнглига бир қадар таскин берди. Рақибларига қарши тўла ус-тунликка эришган вакилларимиз биринчи бўлимдаёқ ҳисобни 3:0 га етказишга муваффақ бўлдилар. Айниқса, асосий таркибда илк бор майдонга тушган 18 ёшли Шерзод Шарипов унча тўпнинг “хаммуаллифи” бўлганлиги муҳлис-ларни хушнуд қилди.

Иккинчи бўлимда эса ташаббус тўла майдон эгалари томонидан бўлди. Егор Гладков ўрнига тушган Фарид Хабибуллин икки бор, Георгий Ким билан алмашган Олег Шацких бир марта меҳмонлар дарвозабони Наримон Осмоновни доғда қолдирдилар. Бир неча ҳавфли вазият-

лар эса ҳужумчиларимизнинг сусткашлиги туфайли қунига етмади. Утган йилги “Дўстлик” дарвозасига 3 та тўп йўллаб (“Атласчи” таркибидея ўйнаган), хет-трикка эришган Ойдинбек Алиев ҳам бу сафар кўнглидагидек ўйин кўрсата олмади. Учрашувдаги ягона жавоб тўпини эса 13-рақамли Дилшод Мавлонов мезбонлар дарвозасига йўллади — 6:1.

Уйин гарчи вакилларимизнинг ютуғи билан якунланган бўлса-да, муҳлис-ларнинг кўнгли тўлмади. Чунки, ўйин савияси олий лигага хос эмасди. Кейинги икки турда эса “Дўстлик”ни катта синовлар кутиб турибди: 7-турда “Андижон” сафари, 8-турда “Нефтчи” жамоасини меҳмон қилиш” кутилмоқда.

Бекободнинг “Металлург” жамоаси Навоий шаҳрида маҳаллий “Зарафшон” жамоасига қарши тўп сурди. Муросасиз кечган учрашув 3:0 ҳисобида мезбонлар фойдасига

қикасида меҳмонлар ҳимоячиси хатосидан унумли фойдаланган тажрибали Азамат Абдураимов ўз жамоасига муҳим уч очкони келтирди. Киририлган қотқ тўпурарлар баҳсига ҳам ойдинлик киритди. Азаматни “қувиб келаётган” “Нефтчи” ҳужумчиси Шухрат Шамсиев энди бошқа учрашувларда астойдил ҳаракат қилиши керак.

Қолган учрашувлар натижаси куйидагича бўлди:

Table with 16 rows and 6 columns showing match results between teams like Navaxor, Paxtakor, Neftchi, etc.

Абдулазиз РАЙМОВ, “Тошкент ҳақиқати” шарҳловчиси.



ОҚИЛАХОНГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Ангрэнда бўлиб ўтган “Ҳамшира-98” виллоят кўрик-танловининг голиби Оқила Сайдирахмонова 22 нафар даявогар ичидея ўз билими, иқтидори ва маҳорати туфайли голиб чиққанлигини хабар қилган эдик.

Сизга табассум билан боқиб турган бу қиз — виллоят ҳамширалар кўрик-танловининг голиби Оқила Сайдирахмоновадир. — Оқилахонни ҳамширалар виллоят танловидея голиб чиққани ҳақиқатдан хушхабар бўлиб қолди. Барча таъбиотчиларни тўқилантириб юборди, — дейди Бўка тумани худудий-тиббий бирлашма бош шифокори Анвар Раҳматуллаев. — Биз ҳамкасбимиз Оқилахонни қўлга киритилган дастлабки ютуғ билан чин дилдан муобракбод этар эканмиз, май ойида бўлиб ўтадиган “Ҳамшира-98” республика кўрик-танловидея ҳам яна бир бор ўз истеъдодини намойиш этиб, голиблар голиби бўлишига тилак билдириб қоламиз.

Омад ёр бўлсин, сенга Оқила! Суратда: Оқила САЙДИРАХМОНОВА. Даврон АХМАД олган сурат.

БАРМОҚЛАР НЕГА УВИШАДИ?

КўЛНИНГ УВИШИШИГА ТОМИРЛАР, қўлнинг асаблар ёки бошқа минг бўйин қисми асаб бўлиб қолганини таъсири билан, ички аъзолар ҳасталиғи, масалан, қорак касаллиғи сабаб бўлиши мумкин.

Баъзан кўлнинг, қўлнинг иккала кўлнинг бош бармоғи ва кўрсаткич бармоғи ё бўлмаса, кўрсаткич ва ўрта бармоғи увишиши асаб парализининг боисидир. Ушбу ҳолатда кўлнинг асаб парализининг боисидир. Ушбу ҳолатда кўлнинг асаб парализининг боисидир.

Кўлнинг асаб парализининг боисидир. Ушбу ҳолатда кўлнинг асаб парализининг боисидир. Ушбу ҳолатда кўлнинг асаб парализининг боисидир.

Қ ҲҲИҚ ОРИНИНИ ТАНАЛАБ ТЕРИНИГ

Баҳор келиб, ёғинли кунлар бошланди. Бундай паллада жойларда кўзқоринлар пайдо бўла бошлади. Сўнгги вақтларда Тошкент виллоятида ҳам кўзқорин теруви ҳаваскорлар сонини ортиб бормоқда. Лекин уларнинг кўнглини айниқса, бошлар истеъмоли қилса бўладиган кўзқоринларни захарлилардан ажратилиш билмайдилар. Бу аҳоли ўртасида ёвоий ҳолда ўсувчи захарли кўзқоринлардан захарланиш, ҳамда оқибати ўлим билан якунланиш ҳодисаларини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун биз мавзуга яна қайтиб, кўзқорин истеъмоли-чиларига зарур маслаҳатларни беришни лозим топдик.

Кўзқорин аҳоли хуш кўриб истеъмоли қилдиган таом. Унинг таркибидея таана учун зарур барча озиқ моддалар: оксил, “А”, “В1”, “В2”, “РР”, “С” дармондорилари мавжуд. Булардан ташқари кўзқоринлар учун сурғука, яъни оғилдиган, аса бўладиган ва оғилмайдиган захарли турларга бўлинад. Табиатнинг бу неъматини республикаимизнинг барча худудларида ўсади. Улар қўпична ўрмонларда далаларда ва тоғли жойларда айниқса, ёғиндан кейин қўпайди. Кўзқорин мавсуми баҳор фаслида бошланиб, ёз, кузда ҳам давом этади.

Кўзқоринларни истеъмоли қилганда оқибати ўлим билан якунланиш ҳодисаларини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун биз мавзуга яна қайтиб, кўзқорин истеъмоли-чиларига зарур маслаҳатларни беришни лозим топдик.

Кўзқорин аҳоли хуш кўриб истеъмоли қилдиган таом. Унинг таркибидея таана учун зарур барча озиқ моддалар: оксил, “А”, “В1”, “В2”, “РР”, “С” дармондорилари мавжуд. Булардан ташқари кўзқоринлар учун сурғука, яъни оғилдиган, аса бўладиган ва оғилмайдиган захарли турларга бўлинад.

Advertisement for Shifokor (Шифокор) featuring a logo and text about eye care services.

Advertisement for the Uzbekistan National Championship 1998, listing match results and team information.

Advertisement for Toshkent Haqiqati newspaper, including contact information and subscription details.